



## БАҲОРГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Ойбек Анварович Аманов**

қ/х.ф.д., профессор,

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти директори

**Абдирасул Абдиҳакимович Жўраев**

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти таянч

докторант

[juraevgrasulbek18@gmail.com](mailto:juraevgrasulbek18@gmail.com)

**Фаррух Бўриевич Жабборов**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, «Қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси»

кафедраси катта ўқитувчиси.

[f.jabborov1990@gmail.com](mailto:f.jabborov1990@gmail.com) [farrux1990](mailto:farrux1990)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10441089>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 28<sup>th</sup> December 2023

Online: 29<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Баҳорги буғдой, нав, дон, муддат, меъёр, ҳосилдорлик, энг кичик муҳим фарқ, тажриба ҳатолиги, центнер, гектар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги бўз тупроқлар шароитида баҳорги юмшоқ буғдой навларининг ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва муддатларининг таъсири таъкидланган. Тадқиқот олиб бориш натижасида олинган дон ҳосилига математик статистик ишлов берилганда тажриба ҳатолиги жуда паст бўлганлиги аниқланганлиги ифодаланган.*

### КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда «Дунё бўйича 340 млн гектар майдонга бошоқли дон экинлари етиштирилади, шундан 57,8 млн.га ёки 17 фоизини баҳорги юмшоқ буғдой ташкил этади. Жаҳон бозорида ҳар йили 90-100 млн. тоннадан зиёдроқ буғдой дони чет-мамлакатларга экспорт қилинса, шундан 10-15 % баҳорги буғдой дони ҳиссасига тўғри келади»<sup>1</sup> Шу сабабли, ҳар бир минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, баҳорги буғдойни турли хил муддатларда ва меъёрларда экиш, етиштиришда қисқа даврда ҳосил берадиган навларни танлаш орқали унинг ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсирини аниқлаш давомида иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган агротадбирларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги тизими бугунги кунда тубдан янгиланмоқда. Қишлоқ хўжалигини модернизатсия қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек,

<sup>1</sup> <https://hozir.org/jahon-qishloq-xo`jaligiga-umumiy-tarif.html?page=2hozir.org>



республикамизда чорвачиликни жадал ривожлантиришда озукабоб экин майдонларини ташкил қилишда тариқ экини етиштириш агротехникасини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур диссертатсия иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742 сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон «Бошоқли дон етиштиришдаги кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига доирасида бажарилади. Республикамининг жанубий Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари суғориладиган ерларида баҳорги юмшоқ буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосилини етиштиришга доир илмий тадқиқотлар бугунги кунга қадар етарлича олиб борилмаган.<sup>2</sup>

Кўпгина ҳолларда тадқиқот ишларимизни ривожланган давлатларлар тажрибасига таянган ҳолатда ёки XX аср тадқиқотларига асослаб амалга оширамиз. Аммо, ўзимизнинг аجدодларимизнинг олиб борган билиб ва қўникмаларидан жуда кам ҳолатда фойдаланамиз. Бизнинг яшаб истиқомат қиладиган заминимизда азал –азалдан деҳқончилик қилиниб, бой тажрибага эгадир. Жумладан, Географ олим Истахрий таъкидлашича VII асрда Қашқадарёнинг ўнг томонидаги Ерқўрғон ва Шуллактепа(Хозирги Қарши шаҳри) шаҳристони атрофида асосан лалми деҳқончиликка ихтисослашган серунум ерлар ҳисобланиб турли хил донли ва бошқа экинлар экиб етиштирилганлиги таърифланган[1].

Мовароуннаҳрда ўрта асрларда табиий офатлар бўлган йиллари донли экинларни кеч муддатларда етиштириш маданияти ривожланган бўлиб, қисқа муддатда дон етиштириш бўйича ўзига хос агротадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳолини нон ва нон маҳсулотларга бўлган талаби қондирилган [2].

Юқоридаги маълумотларга таъянган ҳолатда, шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг тупроқ-иқлим шароитларимизда баҳорги муддатларда дон етиштириш мумкин. Шу боис, республикамизнинг жанубий минтақаси Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида баҳорги юмшоқ буғдойнинг «Наврўз», «Парвоз» ва «Жануб гавҳари» навларини турли хил муддат ва меъёрларда экиб ўрганишни мақсад қилдик.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқот Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти марказий тажриба участкасида олиб борилди. Тадқиқотларда баҳорги буғдойнинг «Наврўз», «Парвоз» ва «Жануб гавҳари» навлари 10 феврал, 20 феврал ва 1 март саналарида 3,0 млн.дона, 3,5 млн.дона ва 4,0 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экиб ўрганилди.

Фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар Умумитфоқ Ўсимликшунослик институти услуги ва Дала тажрибаларни ўтказиш услублар бўйича олиб борилди.

Барча фенологик кузатувлар тажрибанинг I-III такрорланишларнинг барча вариантларида 1 м<sup>2</sup> ҳажмда белгиланган 3 нуқтада олиб борилди.



**Натижа:** Тадқиқот давомида тажриба майдонида экилган баҳорги буғдойнинг «Наврўз», «Парвоз» ва «Жануб гавҳари» навлари ҳосилдорлигига экиш меъёри ва муддатларининг ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. олинган натижаларга кўра, биринчи муддатда (10.02.2023) 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда «Парвоз» навида дон ҳосилдорлиги 31,2; 33,3; 33,5 ц/га, «Наврўз», навида дон ҳосилдорлиги 32,2; 33,8; 32,9 ц/га ва «Парвоз», нави 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда, дон ҳосилдорлиги 35,1; 36,4; 33,9 ц/га ташкил қилганлиги аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Баҳорги буғдой ҳосилдорлигига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири**

(ЖД ИТИ нинг тажриба майдони, 2023 йил. Биринчи муддат)

№	Экиш муддати	Экиш меъёри	Нав номи	Ҳосилдорлик ц/га			Ўртача
				Қайтариқлар			
				I	II	III	
1	10.02.2023	4 млн. дона/га	Парвоз	32,4	30,1	31,1	31,2
2			Наврўз	32,2	32,2	32,1	32,2
3			Жануб гавҳари	33,6	36,7	35,1	35,1
4		3,5 млн. дона/га	Парвоз	33,7	32,4	33,7	33,3
5			Наврўз	33,5	34,0	34,0	33,8
6			Жануб гавҳари	36,1	36,8	36,2	36,4
7		4 млн. дона/га	Парвоз	32,9	34,0	33,6	33,5
8			Наврўз	32,7	32,9	33,0	32,9
9			Жануб гавҳари	33,4	34,4	33,8	33,9
<b>Тажриба ҳатолиги Sx</b>							<b>0,452</b>
<b>Ўртача ҳатоликнинг фарқи Sd</b>							<b>0,639</b>
<b>Энг кичик муҳим фарқ (05) ц/га</b>							<b>1,309</b>
<b>Энг кичик муҳим фарқ (05) %</b>							<b>3,899</b>
<b>Стандартдан оғиши S</b>							<b>0,782</b>
<b>Вариация коэффиценти Cv %</b>							<b>2,329</b>

Иккинчи муддатда (20.02.2023) 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда «Парвоз» навида дон ҳосилдорлиги 27,7; 29,2; 30,1 ц/га, «Наврўз», навида дон ҳосилдорлиги 28,6; 29,9; 29,7 ц/га ва «Парвоз», нави 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда, дон ҳосилдорлиги 29,4; 32,6; 30,4 ц/га ташкил қилганлиги аниқланди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Баҳорги буғдой ҳосилдорлигига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири**

(ЖД ИТИ нинг тажриба майдони, Иккинчи муддат 2023 йил)

№	Экиш муддати	Экиш меъёри	Нав номи	Ҳосилдорлик ц/га			Ўртача
				Қайтариқлар			
				I	II	III	



1	10,02,2023	4 млн. дона/га	Парвоз	27,3	28,2	27,6	27,7
2			Наврўз	28,2	29,0	28,7	28,6
3			Жануб гавҳари	28,6	30,1	29,4	29,4
4		3,5 млн. дона/га	Парвоз	29,9	27,3	30,5	29,2
5			Наврўз	30,8	28,8	30,1	29,9
6			Жануб гавҳари	31,5	33,7	32,7	32,6
7		4 млн. дона/га	Парвоз	29,4	30,9	30,1	30,1
8			Наврўз	29,8	29,8	29,6	29,7
9			Жануб гавҳари	30,7	30,2	30,4	30,4
<b>Тажриба ҳатолиги Sx</b>							<b>0,516</b>
<b>Ўртача ҳатоликнинг фарқи Sd</b>							<b>0,730</b>
<b>Энг кичик муҳим фарқ (05) ц/га</b>							<b>1,497</b>
<b>Энг кичик муҳим фарқ (05) %</b>							<b>5,031</b>
<b>Стандартдан оғиши S</b>							<b>0,894</b>
<b>Вариация коэффиценти Cv %</b>							<b>3,006</b>

Учинчи муддатда (02.03.2023) 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда «Парвоз» навида дон ҳосилдорлиги 26,4; 27,8; 29 ц/га, «Наврўз», навида дон ҳосилдорлиги 27,2; 28,1; 27,5 ц/га ва «Парвоз», нави 3; 3,5; 4 млн. дона меъёрида экилганда, дон ҳосилдорлиги 28,4; 30,6; 29,6 ц/га ташкил қилганлиги аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Баҳорги буғдой ҳосилдорлигига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири

(ЖД ИТИ нинг тажриба майдони, Учинчи муддат, 2023 йил)

№	Экиш муддати	Экиш меъёри	Нав номи	Ҳосилдорлик ц/га			Ўртача
				Қайтариқлар			
				I	II	III	
1	10,02,2023	4 млн. дона/га	Парвоз	25,6	27,2	26,4	26,4
2			Наврўз	26,2	28,1	27,2	27,2
3			Жануб гавҳари	27,5	29,4	28,4	28,4
4		3,5 млн. дона/га	Парвоз	26,0	29,6	27,7	27,8
5			Наврўз	26,9	29,3	28,0	28,1
6			Жануб гавҳари	28,5	32,5	30,9	30,6
7		4 млн. дона/га	Парвоз	28,2	29,7	29,1	29,0
8			Наврўз	26,4	28,7	27,5	27,5
9			Жануб гавҳари	28,1	29,0	31,7	29,6
<b>Тажриба ҳатолиги Sx</b>							<b>0,459</b>
<b>Ўртача ҳатоликнинг фарқи Sd</b>							<b>0,649</b>
<b>Энг кичик муҳим фарқ (05) ц/га</b>							<b>1,330</b>



Энг кичик муҳим фарқ (05) %	4,701
Стандартдан оғиши S	0,794
Вариация коэффиценти Cv %	2,809

## МУҲОКАМА

Олиб борилган тадқиқотларда баҳорги буғдой ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва муддатлари таъсир этади. Айниқса, экиш муддатларининг таъсирини бўлиши тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиши бўйича мулоҳаза юритадиган бўлсак Қарши туман шароитида феврал ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб ўсимликларнинг ўсишини таъминловчи ҳарорат мақбул бўлишидир. Бундан ташқари баҳорги буғдойнинг ўсув даври олдин бошланиб май ойида бўладиган ҳавонинг кескин исишигача дон тўлиши нисбатан юқори бўлади.

Энди экиш меъёриларининг ҳосилдорликга таъсири бўйича фикр юритадиган бўлсак, Бунда экиш меъёрлари бўйича экилган уруғ қанчалик кўп униб чиқса ҳар бир ўсимликнинг озика майдони қисқариб боради. Озика майдонининг қисқариши ўсимликнинг қуруқ модда тўпланишига салбий таъсир қилади. Шунингдек таъсир доираси тупроқ иқлим шароитига боғлиқ.

## ХУЛОСА.

Қашқадарё вилояти Қарши тумани тупроқ иқлим шароитларида баҳорги муддатда юмшоқ буғдойнинг жануб гавҳари нави бошқа навларга нисбатдан ҳосилдорлиги юқори бўлиши муддат ва меъёрлари бўйича устунлик қилган.

## References:

1. Марсель Брион. Менким, соҳибқирон – Жаҳонгир Амир Темур. / Тошкент “Янги аср авлоди”, – 2021. – 572 б.
2. Ртвеладзе Э., Сулаймонов Р., Буряков Ю., Саъдуллаев А., Мавлонов Ў., Хасанов А., Юсупова М., Ражабов Қ., Гюль Э., Саидов А., Эркаев А., Жўрақулов О., Қодиров М., Жумаев А., Омельченко А., Уватов У., Ражабова Н. (2010). *Қарши 2700*. Маънавият.
3. Р.О.Орипов Н.Х Халилов “Ўсимликшунослик” \ \ Тошкент 2006 й
4. ЎзПИТИ. (2007). *Дала тажрибаларни олиб бориш услублари*. «ALBIT» МЧЖ.
5. Доспехов Б.А. Методы полевого опыта – М.: Агропромиздат, 1985. – 255 с.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742 сонли фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон «Бошоқли дон етиштиришдаги кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори
8. <https://hozir.org/jahon-qishloq-xo`jaligiga-umumiy-tarif.html?page=2hozir.org>